

Учинчи халқаро хунармандчилик фестивали ва халқаро кулолчилик форуми иштирокчиларига

Хурматли фестиваль ва форум иштирокчилари!
Муҳтарам меҳмонлар!
Хонимлар ва жаноблар!
Сиз, азизларни жонажон Ватанимизнинг тарихий шаҳарларидан бири — қадимий Хўқанди латифга яна катта байрам нафасини олиб келган Халқаро хунармандчилик фестивали ва Халқаро кулолчилик форумининг очилиши билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Халқ амалий санъатини, унинг ривожланиш тарихи, мактаб ва анъаналарини ўрганиш ва тарғиб этишга қаратилган ушбу анжуманимизда дунёнинг 70 дан зиёд мамлакатидан 300 нафарга яқин моҳир хунармандлар, халқаро ташкилотлар, маданий ва илмий жамоатчилик вакиллари иштирок этаётгани унинг халқаро нуфузи ва обрў-эътибори тобора ортиб бораётганидан далолат беради.

Эл-юртинининг кўп асрлар давомида шаклланган бой маданий мероси, миллий анъана ва қадриятларининг ажралмас қисми бўлган, ўтишга ва келажақ ўртасида бамисоли маънавий кўприк вазифасини бажариб келаётган хунармандчилик соҳаси ривожига мамлакатимизда катта эътибор берилмоқда. Натижада бу йўналиш иктисодиётимизнинг муҳим тармоқларидан бирига айланиб бормоқда. Бунинг тасдиғини хунармандлар, қўлигул усталар, дизайнер ва ёш ижодкорлар учун катта имкониятлар яратилаётгани, уларнинг маҳсулотларини жаҳон бозорига олиб чиқиш ва миллий бренд сифатида танитиш йўлида кенг қўлламли ишлар амалга оширилаётганида кўриш мумкин.

Айниқса, ушбу соҳа ривожланган шаҳар ва туманларда 11 та хунармандчиликни ривожлантириш марказлари ташкил этилгани, йиллик маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 1 триллион 500 миллиард сўмдан ошгани ҳамда уларни дунёнинг турли давлатларига экспорт қилиш кенгайиб бораётганини таъкидлаш лозим.

Амалий санъат турларини қайта тиклашга қаратилган изчил саъй-ҳаракатларимиз натижасида уларнинг сони 43 тага етди, сўнгги уч йилда турли йўналишларда меҳнат қилаётган 31 минг 500 нафар моҳир усталаримиз эса “Хунарманд” уюшмаси аъзоллигига илк маротаба қабул қилинди.

Биргина “Устоз ва шогирд” анъанаси асосида 118 минг нафар ёш, жумладан,

кам таъминланган, вақтинча ишсиз, ногиронлиги бўлган фуқароларнинг бандлиги таъминлангани соҳа ривожини ижтимоий масалаларни ҳал этишда ҳам муҳим аҳамият касб этиб бораётганини кўрсатади.

Мамлакатимизда ўз касбига доимо улкан меҳр ва садоқат билан меҳнат қилиб келаётган хунармандларнинг машаққатли меҳнатини рағбатлантиришга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда, кўплаб соҳа вакиллари давлатимизнинг юксак унвон, орден ва медаллари билан тақдирланмоқда.

Хурматли анжуман иштирокчилари!
Фестиваль доирасидаги халқаро конференциялар, кўргазма ва ярмаркалар, миллий либослар намоишлари ва учрашувлар, Риштон туманида ўтказиладиган Халқаро кулолчилик форуми ўзига хос ижодий мулоқотлар майдони, ёш хунармандлар учун маҳорат дарслари бўлиб хизмат қилади, албатта.

Маълумки, Жаҳон хунармандлар кенгаши қарори билан Бухоро, Қўқон ва Марғилон каби қадимий шаҳарларимиз “Жаҳон хунармандлар шаҳри” деган юксак мақомга сазовор бўлган эди. Бу йил уларнинг қаторига Риштон ва Шаҳрихон шаҳарлари ҳам қўшилмоқда.

Шу кунларда ТУРКСОЙ Бош қотибияти томонидан Қўқон шаҳрига яна бир шарафли ном — “Туркий дунёнинг хунармандлари шаҳри” деган мақом берилди. Биз буларнинг барчасини мамлакатимизда халқ амалий санъатини ривожлантиришга қаратилган ишларимизнинг халқаро миқёсдаги яна бир эътирфи сифатида қабул қиламиз.

Азалдан ўзининг гўзал анъаналари, жумладан, хунармандчилик мактаблари, маҳорат бобида тенгсиз усталари билан шуҳрат қозongan бетакрор Фарғона замида ўтаётган ушбу санъат байрамлари маданий ҳаётимизда чуқур из қолдирадиган, дўстлик ва ҳамжиҳатлик ришталарини янада мустаҳкамлайдиган, ёш авлод учун кенг имкониятлар очадиган унутилмас воқеа бўлиб қолади, деб ишонаман.

Барчангизга сийҳат-саломатлик, янги ижодий ютуқлар, фестиваль ҳамда форум ишига муваффақиятлар тилайман.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти



Кеча, 19 сентябрь куни Учинчи Халқаро хунармандчилик фестивали ва Халқаро кулолчилик форуми бошланди. Унинг очилиши муносабати билан Президентимиз иштирокчиларга табрик йўллади.

Қўхна Қўқон ҳар қачонгидан-да гавжум, файзли. Халқаро фестивал ва форумда 70 дан зиёд мамлакатдан 300 нафарга яқин моҳир хунармандлар, халқаро ташкилотлар, маданий ва илмий жамоатчилик вакиллари иштирок этмоқда.

“Хунарманд” уюшмаси ташаббуси билан тадбирга илк бор халқаро тоифадаги савдо агентлари, брендлаштириш соҳасидаги

экспертлар, Парижнинг таниқли фэшн мутахассислари, электрон тижорат (e-commerce) бўйича мутахассислар, халқаро ансамбллар ва Санта-федаги Халқаро халқ амалий санъати ярмаркаси (IFAM) раҳбарияти келган. Бу, албатта, ушбу йўналишда ҳамкорлик истикболи учун жуда муҳим.

➤ Давоми 3-бетда

ТИББИЁТНИ АҲОЛИГА ЯҚИНЛАШТИРИШНИНГ ЯНГИ МОДЕЛИ ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 19 сентябрь куни соғлиқни сақлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари юзасидан ҳисобот билан танишди.

Бутунги кунда мамлакатимизда бирламчи тиббий-санитария ёрдамини кўрсатишнинг халқаро тажрибага асосланган ва тиббиётни аҳолига яқинлаштиришга қаратилган янги моделини жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу асосда кўп тармоқли марказий поликлиникалар, оилавий шифокор пунктлари ва оилавий поликлиникалар, маҳалла тиббиёт пунктлари ягона ёндашув асосида ривожлантирилмоқда.

Бунинг натижасида оилавий шифокорлар улушини 70 фоизга етказиш мўлжалланган. Рақамлаштириш ва қозғо ҳужжат айланишини қисқартириш орқали тиббиёт ходимларининг иш юклавасини қарийб учдан бир қисмга камайтириш, фуқароларнинг бирламчи бўғин хизматларидан қониқиб даражасини 85 фоиздан ошириш мақсад қилинган. Шу билан бирга, тиббиёт ходимларини моддий рағбатлантиришнинг уларнинг касбий самарадорлигига бевосита боғлиқ бўладиган янги тизими жорий этилмоқда.

Президентимиз ихтисослашган ёрдамни тубдан такомиллаштириш муҳимлигини таъкидлади. Мамлакатимизда ўнлаб илмий-амалий тиббиёт марказлари мавжуд бўлиб, улар замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланмоқда, бюджетдан катта маблағ ажратилмоқда.

Шу билан бирга, аҳоли орасида хизмат сифати ва узун навбатлар юзасидан эътирозлар сақланиб қолмоқда. Ихтисослаштирилган марказларда даволашнинг халқаро стандартларини жорий этиш, бирламчи бўғинда методологик ишлар сустиги кўрсатиб ўтилди.

Шу боис, барча республика ихтисослаштирилган клиникалари фаолиятини қайта кўриб чиқиш, уларнинг бошқарувиغا замонавий, профессионал менежерларни жалб қилиш тақлифи билдирилди. Туркиялик мутахассислар фаолият юритаётган Республикаи онкология ва радиология маркази бунга ёрқин мисол бўла олади.

Айни пайтда клиник протоколларни қайта кўриб чиқиш ва янгилаш давом этмоқда: ҳозиргача 400 таси қайта кўрилди, йил охиригача бу кўрсаткич икки баравар ошади. Осиё тараққиёт банки кўмағида уч мингдан зиёд тиббий хизматлар учун тарифлар методологияси ишлаб чиқилмоқда.

Давлатимиз раҳбари яна бешта марказга хорижий профессионал менежерларни жалб

қилиш ёки уларни хориждаги нуфузли клиникалар бошқарувиغا бериш имкониятини ўрганишга топшириқ берди.

Бунда халқаро тажриба асосида диагностика ва даволаш стандартлари ишлаб чиқиши, миллий клиник протоколлар яратилиши, янги технологиялар жорий қилиниши, марказларни ривожлантириш бўйича узоқ муддатли стратегия ишлаб чиқиши, юқори малакали мутахассислар жалб этилиши, аҳолига сифатли тиббий ёрдам кўрсатишнинг шаффоф ва адолатли тизими яратилиши шартлиги таъкидланди.

Йиғилишда болалар саломатлигини муҳофаза қилиш чора-тадбирлари ҳам муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, бутун дунёда болаларни она сути билан озиқлантириш муаммоси долзарб бўлиб, она сутининг ўрнини босувчи маҳсулотлардан фойдаланиш суръати ортиб бормоқда.

2030 йилга қадар Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан тавсия этилган кўрсаткич — 6 ойгача бўлган болаларнинг 70 фоизи фақат она сути билан озиқлантирилишига эришиш мақсадида мамлакатимизда она сути билан озиқлантиришни қўллаб-қувватлаш миллий дастури тасдиқланди.

Дастур доирасида ЖССТ ва ЮНИСЕФнинг “Она сути билан озиқлантириш учун қулай шароит яратувчи тиббиёт муассасаси” ва “Она сути билан муваффақиятли озиқлантириш сари 10 қадам” ташаббуслари жорий этилади. Тиббиёт ходимларини она сути билан озиқлантириш бўйича ўқитиш, ҳомилдор аёллар ва оналарнинг билимини ошириш тадбирлари ўтказилади.

Қонунчиликка она сути ўрнини босувчи маҳсулотлар рекламасини чеклашга қаратилган ўзгартиришлар киритиш, шунингдек, болалар учун мўлжалланган озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, импорт ва экспорт қилиш, ташиш, сақлаш, сотиш ва етказиб беришга оид талаблар ҳамда стандартларни такомиллаштириш тақлиф этилди.

Президентимиз билдирилган тақлифларни маъқуллаб, тиббиётни аҳолига яқинлаштириш ва сифатини ошириш, юқумли бўлмаган касалликлардан ўлимни камайтириш, ёш авлод саломатлигини мустаҳкамлаш бўйича қатор топшириқлар берди.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИНИНГ 80-СЕССИЯСИДА ИШТИРОК ЭТАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 80-юбилей сессияси тадбирларида иштирок этиш учун 20-24 сентябрь кунлари амалий ташриф билан Нью-Йорк шаҳрида бўлади.

Давлатимиз раҳбари БМТ Бош Ассамблеяси ялпи сессияси умумий мунозара-ларининг биринчи кунда нутқ сўзлайди. Таъкидлаш жоизки, Бош Ассамблеянинг бу йилги юбилей сессиясида глобал хавфсизлик ва барқарорлиқни таъминлаш, Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш, БМТ тизими ва халқаро молия архитектурасини ислоҳ қилиш, иқлим ўзгарishi оқибатлари ва бошқа замонавий хатарларга қарши курашнинг долзарб масалалари кўриб чиқилади.

Саммит доирасида Ўзбекистон етакчи-си БМТ Бош қотиби Антониу Гутерриш, хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, нуфузли халқаро молиявий институтлар раҳбарлари билан музокаралар ўтказди.

Ташриф дастурининг ишбилармонлик қисмидан АҚШнинг етакчи компаниялари ва молиявий-инвестиция тузилмалари иштирокида учрашув ва тадбирлар ўрин олган. Янги келишув ва шартномалар тўплами имзоланиши кутилмоқда.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН – БМТ: БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ САРИ МУҲИМ ҲАМКОРЛИК



Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 20-24 сентябрь кунлари амалий ташриф билан Нью-Йорк шаҳрида бўлиб, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 80-юбилей сессияси тадбирларида иштирок этади.

Ўзбекистон 1992 йил 2 мартда БМТга тўла ҳуқуқли аъзо бўлди. Бу қадам ёш мустақил республика нафақат барча халқаро жараёнларда фаол иштирок этишга, балки ўз ташқи сиёсатини халқаро ҳуқуқ ва БМТ Низомига ҳурмат тамойилларига асослашга тайёр эканлигининг асосий тасдиғи бўлди.

Шундан буён ўттиз йилдан кўпроқ вақт ўтди ва шу давр ичида расмий Тошкент тақлифлари халқаро майдонда кенг акс садо бераётган фаол глобал ташаббуслардан бирига айланди.

БМТдаги иштирок Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг суверенитети халқаро ҳамжамият томонидан тан олинисини таъминлаш, барча давлатлар билан тенг ҳуқуқли мулоқот учун замин яратишда муҳим омил бўляпти. 1993 йилда Тошкентда БМТ ваколатхонасининг очилиши ҳамкорликнинг узоқ муддатли характерини мустаҳкамлаган яна бир муҳим воқеа сифатида тарихга кирди.

➤ Давоми 2-бетда

ЙЎЛЛАР БИЗНИ ЯНГИ МАНЗИЛЛАРГА ЭЛТАР

Йўллар... Улар бизни янги манзилларга етаклар, одамни ўйга тортар, ўзгаришларни кўрсатар. Болагимдан саёҳат қилишни жуда яхши кўраман. Кейинги 20-25 йил давомида ишим тақозоси билан кўплаб хориж давлатларида бўлдим, Ўзбекистон бўйлаб ҳам кўп саёҳат қилдим, ажойиб масканларни ўзим учун кашф қилдим.



Туризм салоҳияти Чимён тоғларига бўйлашмоқда

Охириги ҳафталарда Тошкент вилоятининг Чимён тарафларига тез-тез бордим, айлан-дим, йўллارни кўрдим. Тасодифни қарантки, иш юзасидан “Ренессанс” оромгоҳи атрофида ҳам бўлдим. Йўлларда кезар экансиз, ҳар доим таққослайсиз: илгари қандай эди, ҳозир-чи? Йилига қанча ўзгариш бўляпти деб ўйлайди киши.

Биринчи навбатда, табиатга эътибор берилади. Табиат гўзаллигини, яшил маконга айланиб, йўл четларида ҳақиқатан яшил белбоғ яратилганини кўриб хурсанд бўласиз. Йўллар асфальт

қилингани, текис чиизқ қилиб қизилгани, чироклар зимистон кўчаларини ёритиб турганидан кўнглингиз ҳам ёришади.

Иккинчи жиҳати яна қувонарли, биз дунё туризми ҳақида кўп гапираимиз, лекин **ички туризмининг ривожлантириш** ҳам жуда муҳим. **Эътиборлиси, бугун ички туризм ривожини кўряпмиз.** Масалан, жорий йилда қўшни давлатлар — Тожикистонга 500 минг киши, Қирғизистонга 1 миллион одам саёҳат қилиб, айланиб келди. Бу жуда яхши натижа. Лекин Бухорода яшаб туриб Тошкентга келмаганлар қанча? Тошкентликлардан Самарқандга бормагани-чи?

➤ Давоми 3-бетда



2025 йил 20 сентябрь, 195-сон

3

Йўллар бизни янги манзилларга элтар

Бошланиши 1-бетда

Президентимизнинг Бўстонлиққа ташрифи арафасида **мафтункор тоғлар, йўл буйидаги янги иморатлар, маҳабатли иншоотлар**, умуман, табиатни кўриб кўзим жуда кувнади. 1993-1994 йиллар эсимда, йўлларнинг икки четида шўро меросидан қолган қўлранг, ёқимсиз тусдаги, зерикарли ва кўримсиз бетон бинолар бўларди фақат. Лекин энди мен Чимёнга чиқар эканман, бир соатда манзилimgа етиб олдим. Илгарилари 1,5-2 соатда қийналиб, ўнқир-чўнқирлар билан борган бўлсак, энди бу йўллар равон, ёруғ. Автомобилда ҳар 15-20 дақиқада тўхтаб, тоғнинг тоза ҳавоси, гўзал табиатидан баҳраманд бўлидим. Ватанимиздаги ўзгаришларни кўриб гурурландим. Чунки бундай ўзгаришлар, ислохотлар ўзидан ўзи бўлаётгани йўқ. Бунинг тагида катта меҳнат ётибди.

Бўстонлиқнинг менга ёқадиган яна бир жиҳати, бу ерда ўзбеклар билан аҳил, жипс, бир оила бўлиб яшайдиган қозоқ, қирғиз, тожик миллатига мансуб ватандошларимиз бор. Шунинг учун ҳар доим тўхтаб, улар билан гаплашаман. Ёз давомида соғлигимдаги баъзи муаммолар сабаб ўша ердаги сиҳатгоҳларда 5-6 кун дам олдим. Менга жуда ёққани — шу даволаниш ва дам олиш масканларида ишлайдиган кўпчилик ватандошлар айтишдики: “Биз илгари Остонага бориб ёки бошқа давлатларда терапия бўлимларида ишлардик. Ҳозирги ҳамшира аёлларимиз олдин уйда фақат чорва боқиб ўтирдари. Бугунги кунда Бўстонлиқда жуда кўп **инфратузлима яратилди, дам олиш масканлари барпо этилди**. Шу сабаб биз бутун юртимизга қайтиб келдик”.

Масалан, “Фанат” сиҳатгоҳида мени даволаган Бахтбек исмли йигит асли қирғиз, бир кунда 13-14 одамга хизмат кўрсатаркан. Бахтбек ҳам “Фанат”, ҳам “Тибет” сиҳатгоҳларида ишлар, бу унга ота касб бўлиб, ҳатто инсулът бўлганларни ҳам уйига бориб муолажа қиларкан. “Ўзимнинг иккита уйим бор. Ёз кунлари 1 миллионгача, қши кунлари 2 миллион сўмдан ижарага бераман. Оиламиз тўқ, яхши яшайди. Болаларимиз Бўқадаги хусусий мактабга боради. Таълим жуда муҳим. Биз Бўстонлигимизга қайтиб келиб ишлаётганимиздан жуда хурсандимиз”, деди.

Бўстонлиқдаги ўзгаришларни кўринг: “Ренессанс” оромгоҳида ўтказилган видеоселекторда ректорлар билан Тошкентдан туриб иштирок этганимда менга Президентимизнинг жуда кўп гаплари ёқди. Гапларини тинглар эканман, кўз олдимга ўша ерлардаги ўзгаришлар манзараси келди. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг “**Биз юз йиллик тизимни икки йилда олиб ташладик, ўзгартирдик. Бу бизнинг пахтага мажбуран жалб қилинишимиз, пахта қарамлигидан озод бўлганимиздир**”, деган гаплари ҳам ижтимоий, ҳам сиёсий жиҳатдан алоҳида аҳамиятга эга деб ҳисоблайман.

Тўғри, пахта миллий боилигимиз, дедик. Уни ҳатто ўзимизнинг гербимизга ҳам қўйдик, аммо пахта, гарчи ўзи оппоқ бўлса-да, бизга қора доғлар олиб келди. Пахта туфайли 11 йиллик таълимимиз амалда етти йилга айланди. Пахта бизга қўлликни, битта тармоққа боғлиқликни келтириб чиқарди. Анач йиллар ана шу қарамликдан чиқа олмай яшадик.

Шукуҳ



Шерзодхон ҚУДРАТХЎЖА

Бошланиши 1-бетда

Президентимиз табриғида таъкидланганидек, **эл-юртимизнинг кўн асрлар давомида шаклланган бой маданий мероси, миллий аъёна ва қадриятларининг ажралмас қисми бўлган, ўтмиш ва келажак ўртасида бамисоли маънавий кўприк вазифасини бажариб келаётган хунармандчилик соҳаси ривожига мамлакатимизда катта эътибор берилмоқда. Наттижада бу йўналиш иқтисодий тизимининг муҳим тармоқларидан бирига айланиб бормоқда. Бунинг тасдиғини хунармандлар, қўлгул усталар, дизайнер ва ёш ийодакдорлар учун катта имкониятлар яратилаётгани, уларнинг маҳсулотларини жаҳон бозорига олиб чиқиш ва миллий бренд сифатида танитиш йўлида кенг қўламли ишлар амалга оширилаётганида кўриш мумкин.**

Қўқон қадимдан хунармандчилик ривожланган маданий марказлардан бири бўлган. Ҳозир ҳам бу ерда хунармандликнинг ёғоч ўймакорлиги, қорозгарлик, чилангарлик, заргарлик, пичоқчилик каби қўлаб турлари раванк топ-



Шерзодхон ҚУДРАТХЎЖА, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, сиёсий фанлар доктори, профессор

Бугун эса гувоҳи бўлаётганимиздек, пахта етиштириш ва терим жараёнига илмий жиҳатдан тўғри ёндашилаётгани сабабли, кичик майдонга экилган экиндан юқори ҳосил олинмоқда. Ўзбекистонда бугун 50, 60, 70 центнер ҳосил олиш реалликка айланди.

Яна бир муҳим жиҳатга тўхталиш лозим. **Бу мамлакат иқтисодиёти сўнгги саккиз йилда икки баробар ўсгандир. Ялпи ички маҳсулот ҳажми йил охиригача 130 миллиард доллар бўлиш, жон бошига даромад эса 3500 долларга етиши кутилмоқда. 2018 йилда даромад 1800 долларни, 2016 йил янги Ўзбекистон ислохотлари бошланмасидан аввал эса киши бошига бор-йўғи 1200 долларни ташкил этарди. Бу кўрсаткичлар ҳам мавҳум эди. Ўтган 8 йилда эса мамлакатимизда 130 миллиард доллар хорижий инвестиция киритилди.**

Янги Ўзбекистоннинг 6,5 миллионлик келажак қуввати

1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар кун муносабати билан ташкил этилган учрашувда Президентимиз бир гапни айтди: “**Олтин захираимиз 50 миллиард доллардан ошди. Энди орқага қараманглар, устозлар! Олдиларингда янги Ўзбекистон турибди. Ортингизда Президентингиз турибди. Бизга бу 50 миллиард доллар янги ғоялар учун, янги тафаккур учун, янги лойиҳалар учун замин ва далда бўлади**”, деди. Ушбу иқтисодий замин асосида сўнгги саккиз йилда таълим ва илм-фан соҳасига ҳаражатлар 6 карра оширилиб, 378 триллион сўм ажратилгани катта аҳамиятга эга бўлмоқда.

Бинобарин, америкалик Нобель мукофоти совриндори Жеймс Хекманининг таълимга сармоя киритиш бўйича тадқиқотларидан шуни

билиш мумкинки, мактабгача таълимга сармоя киритиш инсон тараққиёти учун энг самаралиси ҳисобланади. Унга йўналтирилган ҳар бир доллар 40 йилдан кейин 16 баробар кўп бўлиб қайтиши америкалик олимлар томонидан тасдиқланган. Юртимизда ҳам айнан **мактабгача ва мактаб таълимига киритилаётган сармоя эртанги келажак учун муҳим инвестициядир**.

Жаҳон банки маълумотларига таяннадиган бўлсак, таълим, жумладан, ўрта ва олий таълимга йўналтирилган ҳар бир доллар мамлакат иқтисодиётига 9 долларгача даромад келтиради. Бу 9 баробар кўп фойда, дегани.

Президентимиз таълим сифатини ошириш, устоз ва мураббийларнинг меҳнат ва аяшаш шaroитини яхшилаш ислохотларининг энг устувор йўналиши бўлиб қолишини таъкидлаб, “**Янги Ўзбекистонда энг муҳим соҳа — таълим, энг ҳурматли инсонлар — ўқитувчи ва мураббийлардир!**” деди.

4000 дан ортқ маҳалламизда 2016 йилга қадар боғчалар йўқ, қамров бор-йўғи 27 фоиз эди. Бугун боғчалар сони 38 мингдан ошди, бу эса кўрсаткич қарийб 80 фоизга чиқишига замин яратди. Педагог сифатида айтаман, Ўзбекистонда энг катта қатлам айнан мактабгача ёшдаги авлод, боғчага чиқадиган болаларни ташкил этади.

Эрталаб кўчалар болаларимизга тўлади. Ҳаммаси чиройли кийинган, қўлларида сумкаси, мактаб сари ошпақди. Шу ёшларимиздан иборат 6,5 миллионга қарашли кўрватли бор Ўзбекистонда. Бу йил 400 минг бола ўқиниш битирган бўлса, биринчи синфга янада кўпроқ, яъни 720 минг бола қабул қилинди. Яқин икки-уч йилда ҳар йили бир миллионга яқин бола мактабга чиқа бошласа ажаб эмас. Тобора ўсиб бораётган демография туфайли мактабларга эҳтиёж ҳам ортиб бормоқда. **Сўнгги саккиз йилда 500 та мактаб қурилди ва мавжудлари кенгайтирилди**.

Боғчадаги раҳбар ва педагоглар ойлиги қарийб 2 карра ошди. Хусусий боғчалардаги тарбиячилар ойлиги ва бола харажатининг бир қисми бюджетдан қоплаб бериладиган тизим жорий этиладиган бўлди. Энди давлат ва хусусий боғча тарбиячиларини ишдан ажралмаган ҳолда олий таълимда ўқитиш йўлга қўйилди.

Яна бир ажойиб янгилик, эндиликда худди Президент мактаблари каби ҳар бир ҳудудда “**Янги авлод**” боғчалари ташкил қилиниб, тарбиячилар илгор педагогик технологияларни ўрганади.

Бир йил ичида 100 та техникумда Германия, Швейцария, Хитой, Жанубий Корея, Буюк Британия каби давлатларнинг таълим ташкилотлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилиб, уларнинг энг илгор касбий таълим дастурлари жорий қилинади.

Келаси йили sanoatда қарийб 45 миллиард долларлик 456 та йирик лойиҳа бошланади. Энди техникумларда “инвестор — тармоқ — техник” занжири асосида ҳар бир лойиҳа бўйича дуал таълим йўлга қўйилди.

Сўнгги йилларда, айниқса, олий таълим қамрови жадал олди. Олий ўқув муассасалари сони 77 дан 202 га, жами талабалар сони 250 мингдан 1,5 миллионга етди.

Давлатимиз раҳбари ташаббусига мувофиқ, ёшларимизни Американинг “Печак лигаси” университетларига тайёрлаш йўлга қўйилмоқда. Бунинг учун миллий дастур қабул қилинди. Жорий йил дастлаб 1,5 минг ўқувчи саралаб олинди. Уларга Президент ва ихтисослаштирилган мактаблардан 208 маслаҳатчи бириктирилди.

Илгари газни 2300 метрдан зўра қазиб олардик, бугунги кунда таълимдаги янгиликлар, излаишлар туфайли нафақат пахтани кам ерга экиб, юқори ҳосил оляпмиз, бундан ташқари, бу йил



sanoatимиз тарихида биринчи марта Устюртда 6,5 минг метр ер қатрини бурғилаш орқали жуда катта газ захираси топилди.

Бугунги кунда урани икки баробар кўп, олтинни 118 тонна ишлаб чиқаряпти. Бу ҳаммаси таълим, билим, илм орқали қилиняпти!

Янги умидлар уйғотган тарихий ташриф

“Йўллар бизни янги манзилларга етаклар” қиссаси давом этади. Энди Наманганга йўл олдик. Наманган... Водийдан кезиб ўтилади. Чиройли манзилларни кўрасиз. Бир тарафда Андижон, бошқа тарафда Фарғона.

Илгариги пайтлар вилоятларимизнинг юзи бир хилдек туюларди. Ҳаммасида пахта, галла режаси бор эди, ҳаммаси битта тараф билан таралганди. Вилоятларимизни 25 йил давомида кашф қилмадик. Чорак аср улар ўзининг “изоминкаси”ни, мағзини топмади, ўзини йўналтира олмади.

Наманганга 25 йил мобайнида муайян муаммолар ичидаги қолоқ ҳудуд сифатида қаралган. Бу ўлканинг одамларига ишонч берилмаган. Бугун эса Наманган деганда ўрта ва кичик бизнес ривожланган, миллиард-миллиард долларлик маҳсулот ишлаб чиқарадиган, тўқимачилик ривожланган ҳудуд қўз олдимизда гавдаланади. Вилоятда касаначилик, хунармандчилик ҳам жадал ривожланмоқда. Наманганликлар жуда меҳнатқаш эканини уларнинг аёниданвий томошалар фестивалга ўзгача кўрк-тароват бағишламоқда.

— Ўзбекистонга илк бор келишим, — дейди туркманистонлик хунарманд Ойжамол Рекапова. — Мамлакатингизда миллий хунармандчилик аънавларини ривожлантириш, соҳани қўллаб-қувватлаш борасидаги ишлар беҳад қўвонтирди. Айниқса, ил матолардан ишланган буюмлар, кўҳна Риштон қўлчилиги ўзига хос ранг-тасвириларга бойлиги билан эътиборимни тортиди. Биз улар билан ҳамкорликда ишлаш, тажриба алмашиш, савдо-сотик алоқаларини йўлга қўймоқчимиз.

тўқимачилик каби йўналишларда маҳсулотларини намойиш этмоқда. Бу уларга миллий маҳсулотларимизни халқро микёсда тарғиб этиш имконини берапти. Тажрибали усталар иштирокидаги амалий машгулот, тажриба алмашди. Ўзбек миллий илак матоларидан тайёрланган либос ва совгаоб буюмлар харид қилди.

— Фестиваль менда жуда катта таассурот уйғотди, — дейди Иорданиядан келган хунарманд Муҳаммаджусиф Рашид Табанжа. — Ўзбек миллий матолари жуда гўзал ва бетакдор. Аввал келганимда ўзим харид қилган матолардан турли либослар тайёрладим. Бугунги фестивалда Иордания хунармандлигига хос бўлган, зайтун дарахтидан тайёрланган турли совгаоб буюмлар билан қатнашгилман. Менга халқингизнинг самимийлиги, меҳмондўстлиги, мазали таомлари жуда ёқди.

Меҳмонлар сўзларига кулук тутар экансиз, бекиётёр қалибнинг фаҳрга тўлади. Уларга юртимиз, одамларимиз ёққани, бу ерга келганидан мангун экани кишини қувонтиради. Шу қайиғида яна иштирокчиларга юзланамиз.

— Уттиз йилдан бун хунармандчилик билан шўғуланаман, — дейди Қоракалпоғистоннинг Шуманай туманидан келган Ойжамол Навбетова. — Асосан, туя ва қўй жунидан шифобахш хусусиятга эга пайпоқ, нимча, кўрпа сингари ўзига яқин маҳсулот тайёрлаймиз. Маҳсулотларимиз нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам харидорларига эга. Австралиялик хунармандлар билан яқин ҳамкорлини йўлга қўйганмиз. Улар Шуманайга келиб, хомашё тайёрлаш, қайта ишлаш ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ жараён билан яқиндан танишиб, тажрибамизни ўрганапти. Маҳсулотларимиздан харид қилляпти. Ҳамкорлик шартномасига кўра, келгуси йил Австралияда ўз устaxonамизни очамиз. Шу мақсадда уйда ўтирган, ижтимоий ҳимояга муҳтож 35 нафар хотин-қизни касаначилик асосида иш билан таъминладик. Фестиваль жуда ажойиб ўтгати, унда яна янги ҳамкорлар топилишига ишонаман.

Чуст деҳқонларини айтмайсизми? Уларнинг донги бутун дунёга таралган. Ўзбекистонда бир қарич ер бекор ётган бўлса, ўша ерда чустликларни кўрасиз. Биз бугун Наманган деганда **Ўзбекистоннинг сиёсий жүгройясида тадбиркорлик, ғайратчанлик жўш урган ҳудудни кўраимиз**.

Масалан, Самарқанд, Бухоро, Хива деганда туризм марказларини тушунамиз. У ҳудудларда бўлаётган бунёдкорликлар, меҳмонхоналар, инфратузилма, 30 тилда гаплашувчи меҳмондўст одамларни кўраимиз.

барчаси муҳайё эмас. Ҳали кўп иш қилиниши ва шундай оғриқли нуқталарга тезроқ ташхис қўйилиши керак.

Шундай жойга бориб, кўриб, халқ билан гаплашиб, ўша ерда штаб тузилиши, шахсан ҳокимнинг ўзи масъул бўлиши одамларга ишонч берди, муаммоларга малҳам бўлди. Уйлайманки, бундай жойлар ҳали Ўзбекистонимизда кўп. Бун и яшириш нотўғри бўлади. Биз дастурлар тузиб, албатта, бундай бунёдкорликларни барча ҳудуд учун тенгликка олиб келамиз.

Мақола чоп этилиш арафасида Норин туманидаги собиқ Шўрарик маҳалласида туриб, Ўзбекистон Республикаси Президентини матбуот котиби Шерзод Асадовнинг ташрифга оид бир гапи эсимга тушди: “**Янги Ўзбекистонда бўлаётган ҳамма ўзгаришлардан Президентимиз хабардор, албатта. Ҳар бир жойининг ютуқ ва камчиликларини билди ва мана шундай оғир нуқталар, ҳудудлар давлатимиз раҳбарининг эътиборидан четда қолмайди. Шўрарикқа қутилмаган ташриф бошқа ҳокимларга ҳам ўзига хос мурда бериши керак**”.

Маҳаллани кўриб, жуда хурсанд бўлдим. Президентимиз таклифи билан бу жой энди Янги Наманган маҳалласи бўлди. Косонсой билан Норин туманлари Президентимизнинг назорати, эътиборидаги туманлар бўлади.

Шўрарикдаги одамлар билан учрашганимда “Президентимиз билан кўришганимиздан кейин биз зўр ҳажон, хурсандчилигимиздан эрталабгача ухломладик. **Юртбошимизнинг келиши бизда янги умидларни уйғотди**. Шундай Президентимиз борлигидан жудам мағрурландик”, деб биз билан ҳис-туйғуларини ўртоқлашди.

Бу ерда тез орада янги боғча, почта биноси, янги мажмуалар қад ростлайди, шу тариха Янги Наманган шаҳарчаси пайдо бўлади.

Ҳар бир вилоятдаги бундай оғриқли нуқталар шу йўсунда қамаяверса, халқимизнинг яшаш даражаси ўзгаради, уларнинг ислохотлардаги фоллоулаш ортади...

Ва бу гапнинг исботини бирдангиза топдимки, кечанинг ўзида бу жойдаги харабалар ер билан яқсон қилиниб, бўзиз ташланибди. Яқин орада бу ерда беш қаватли замонавий мажмуа, маҳалла идораси, болаларга инглиз тилини, компьютер илмини ўргатиш, хотин-қизлар қўмитаси, замонавий бизнес маркази ишга тушади.

Мени хайратда қолдиргани — халқимизнинг Президентимизга самимий муносабати. Шу ўринда давлатимиз раҳбарининг халқ билан кечаги самимий мулоқотида қайтасан. Олдий одамлар эди улар, бун уларнинг кийими, гап-сўзларидан ҳам кўриш мумкин. Бу учрашув, баъзи ивгогарлар айтганидай, тайёрланмаган эди. Бу олдий халқнинг ўз Президентига меҳр-муҳаббатини, у кишини қанчалик аҳли кўришини, самимий ва иллик муносабатини кўрсатди. Бугунги кунда ижтимоий тармоқларда ўша видеони 100 миллиондан ошди одам кўрди.

Каттаон кичик барчаннинг юзида бизга, ўзбекларга хос бағрикенглик, ўз Президентига муҳаббат акс этганди. Бундай туйғуларини беркитиб, ҳиссисатларини яшириб қўймади. Бу лаҳзалар ҳеч қаерда ва ҳеч қайси пулга сотиб олинмайди. Биз шундай миллатимиз!

ДУНЁ ХУНАРМАНДЛАРИ ҚЎҚОНДА ЖАМ БЎЛДИ

амалий санъати ҳамда хунармандлар ижодига бағишланган “Ўзбекистон хунармандчилиги дурдоналари” китоб-альбоми тақдироти ўтказилмоқда. Бундан ташқари, қўлоллик маҳсулотлари кўргазма савдоси, моҳир қўлоллар юрти Риштон тумани бўйлаб саёхатлар режа қилинган.

Халқро фестивал билан боғлиқ қизикарли тadbирлар шаҳарнинг бош майдони — Худоберхон ўрдаси, унга туташ маданият ва истироҳат боғида бўлиб ўтмоқда. Бу ерда кўҳна Қўқоннинг рамзий дарвозаси тикланди. Хунармандлар марши бўлиб ўтди. Фестиваль дастуридан ўрин олган қатор қизикарли тadbирлар, маҳсулотлар кўргазмаси, кўрик-танлов ва маҳорат машгулотлари кечага ўзгача кўтаринкилик, улгуворлик бағишламоқда. Маҳаллий хунармандлар қўлоллик, заргарлик, мискарлик, миллий чок иши ва



Хаммаси ажойиб, жуда гўзал. Бундай халқро тadbирни ташкил қилган ташаббускорларга раҳмат. Ўзбек ва туркман хунармандлик аънавлари бир-бирига ўхшайди. Фестивалда жуда кўп хунармандлар билан танишиб, тажриба алмашдик. Ўзбек миллий илак матоларидан тайёрланган либос ва совгаоб буюмлар харид қилди.

— Фестиваль менда жуда катта таассурот уйғотди, — дейди Иорданиядан келган хунарманд Муҳаммаджусиф Рашид Табанжа. — Ўзбек миллий матолари жуда гўзал ва бетакдор. Аввал келганимда ўзим харид қилган матолардан турли либослар тайёрладим. Бугунги фестивалда Иордания хунармандлигига хос бўлган, зайтун дарахтидан тайёрланган турли совгаоб буюмлар билан қатнашгилман. Менга халқингизнинг самимийлиги, меҳмондўстлиги, мазали таомлари жуда ёқди.

Меҳмонлар сўзларига кулук тутар экансиз, бекиётёр қалибнинг фаҳрга тўлади. Уларга юртимиз, одамларимиз ёққани, бу ерга келганидан мангун экани кишини қувонтиради. Шу қайиғида яна иштирокчиларга юзланамиз.

— Уттиз йилдан бун хунармандчилик билан шўғуланаман, — дейди Қоракалпоғистоннинг Шуманай туманидан келган Ойжамол Навбетова. — Асосан, туя ва қўй жунидан шифобахш хусусиятга эга пайпоқ, нимча, кўрпа сингари ўзига яқин маҳсулот тайёрлаймиз. Маҳсулотларимиз нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам харидорларига эга. Австралиялик хунармандлар билан яқин ҳамкорлини йўлга қўйганмиз. Улар Шуманайга келиб, хомашё тайёрлаш, қайта ишлаш ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ жараён билан яқиндан танишиб, тажрибамизни ўрганапти. Маҳсулотларимиздан харид қилляпти. Ҳамкорлик шартномасига кўра, келгуси йил Австралияда ўз устaxonамизни очамиз. Шу мақсадда уйда ўтирган, ижтимоий ҳимояга муҳтож 35 нафар хотин-қизни касаначилик асосида иш билан таъминладик. Фестиваль жуда ажойиб ўтгати, унда яна янги ҳамкорлар топилишига ишонаман.

Фестиваль нафақат маҳаллий, балки хорижлик хунармандлар учун ҳам катта бозор вазифасини ўтамоқда. Бошқирдистондан келган меҳмонимиз ана шундай имконият ва шароитдан хурсанд бўлди.

— Хунармандчилик фестивалида биринчи марта иштирок этияман, — дейди Уфа шаҳрлик хунарманд Руслан Камолов. — Ўн йилдан бун ёғоч буюмларга мойбўёқ билан турли суратлар чизаман. Бу ерга ўндан ортқк жанрдаги суратлар, совгаоб буюмлар олиб келдим. Фестивалга катта ҳозирлик кўрилибди. Қўқон ҳақида эшитгандим, бугун бу кўҳна шаҳарнинг тилисмотлари билан яқиндан танидим.

— Бундай нуфузли фестивалга келиб, халқларнинг завқ-шавқи, яратувчилик қайфиятини кўриб рухландим, — дейди Қирғизистоннинг Бишкек шаҳридан келган хунарманд Нурзат Жоникбе кизи. — Ўзим қўй жунидан тайёрлаган турфа буюмлар олиб келдим. Бугунга қадар 28 дан ортқк мамлакатда кўргазма ташкил этдим. Тажрибамдан келиб чиқиб айтишим мумкинки, хунармандчилик фестивал катта ушшоқчилик, ҳамжиҳатликда ташкил этилган. Унда намойиш этилаётган ҳар бир маҳсулотни бетақорлар санъат асарига қиёсلاш мумкин.

Фестиваль доирасида ўймакор усталар ва панажаракори санъатлари ҳақида кўргазма ва хужжатли фильмлар намойиши бўлиб ўтди. Қўқон халқро хунармандлар музейига жаҳон хунармандчилиги ривожига катта хисса қўшган Гада хоним Қаддўмий номи берилиди. Халқ сайиллари, қўғирчоқбозлар, дорбозлар ва фольклор жамоалари ҳамда вилоятлар маданият бошкармалари томонидан тайёрланган концерт дастурлари фестивалга ўзгача шукуҳ, фэйз касб этмоқда.

Расулжон КАМОЛОВ, “Янги Ўзбекистон”мухбири

БУНГА ЮҚОРИ ИНФЛЯЦИЯ ДАРАЖАСИ САБАБМИ?

Кундалик фаолиятимизнинг катта қисми молиявий масалалар билан bogʻliq. Деярли ҳар кунни дўконга кириб, харид қилишдан тортиб, турли хизматлар учун пул тўлаш, кредит олиш, валюта алмаштириш каби ҳаракатлар кўпчилигимиз учун одатий амалиётга айланган. Шунинг учун ҳам ҳар кунни бозордаги нарх-наво тебраниши, кредит фоизлари, валюта курси билан қизиқиб, интернет орқали хабарларни кузатиб борамиз.

Бу, бир томондан, аҳолининг турмуш шароити яхшиланиб, молиявий хизматларга талаб ошиб бораётгани билан bogʻliq бўлса, бошқа томондан, иқтисодий саводхонлик ортаётганидан далолат. Авваллари фақат соҳа вакиллари тушунган атамаларни бутун оддий аҳоли ҳам амалиётда фаол қўллаб, таҳлил қилипти.

Жорий йил 11 сентябрь куни Марказий банк бошқаруви вақтинчалик қарор билан асосий ставкани йиллик 14 фоиз даражасида сақлаб қолиш тўғрисида қарор қабул қилди. Ушбу хабар эълон қилинган, юртдошларимиз фикр-мулоҳазаларини билдира бошладилар. Базилар асосий ставканинг ўзгаришсиз қолгани ижобий ҳолат экани, энди кредит фоизлари ҳам ошмаслигини ёздилар. Бошқалар эса йиллик ставка 14 фоиздан туширилиши маъқулроқ бўлиб, бу бевосита кредит фоизлари пасайишига олиб келишини таъкидлаган.

Гап шундаки, мамлакатимиз молия тизимида Марказий банк асосий ставкаси деган тушунча бор. Асосий ставка Марказий банк томонидан белгиланади. Масалан, юқори инфляция хавфи туғилганда Марказий банк асосий ставкани оширади ёки аксинча инфляция тарғетдан пасайса асосий ставкани пасайтиради.

Асосий ставкани белгилаш орқали Марказий банк пул бозорига пул-кредит сисъат мақсадларига эришиш учун қайси ставка даражаси мақбул ҳисобланишини билдиради. Бозор ставкаларини Марказий банк белгиланган даражага яқинлаштириш учун ўз операцияларини асосий ставкага боғлайди.

Масалан, тижорат банклари ажратадиган имтиёзли кредитлар фойз ставкиси бевосита асосий ставкага bogʻliq. Яъни ставка тушиши ёки кўтарилиши имтиёзли кредитлар фоизларининг пасайиши ёки ошишига таъсир қилади. Шунингдек, тижорий кредитлар фоизлари ҳам Марказий банкнинг фойз ставкасидан келиб чиқиб белгиланади.

Марказий банк белгилайдиган асосий ставка даражаси муайян вақтда қатор омиллар ҳисобига ўзгариб туради. Хусусан, асосий ставка 2017 йил июнь ойи охирида — валюта либераллашувига таъйёргарлик доирасида 9 фоиздан 14 фоизгача кўтарилган ва 2024 йил июлигича

14-17 фоиз оралиғида шаклланган. 2024 йил июлида эса ушбу ставка 0,5 фоиз пасайтирилиб, йиллик 13,5 фоиз даражасида белгиланди. Кейинроқ яна 14 фоизга кўтарилди.

Марказий банк бошқаруви қарори билан ана шу асосий ставка 2025 йил 11 сентябрда 14 фоиз даражасида ўзгаришсиз сақлаб қолинди ва бу бир қанча омиллар билан изоҳланмоқда. Хусусан, юртимиздаги иқтисодий фаолликнинг юқори шаклланаётганлиги туфайли инфляция босими ва нархлар ошиши бўйича хатарлар сақланиб қолаётгани, жорий йилда инфляция пасайиши кутилганидан секин кечаётгани асосий сабаблардан бири сифатида келтирилмоқда.

— Муҳокамалардан сўнг асосий ставкани 14 фоиз даражасида сақлаб қолишга қарор қилдик, — дейди Марказий банк раиси Тимур Ишметов. — Бунинг бир қанча сабаби бор. Аввало, халқаро савдодаги чекловлар ва бошқа омиллар туфайли юртимизда инфляция пасайиши кутилганидан секин кечмоқда. Иккинчидан, миллий иқтисодиётда юқори истеъмол талаби ва инвестициявий фаоллик сақланиб қолмапти. Жорий йил иккинчи чорағида шаклланган иқтисодий фаоллик ва истеъмол талабининг юқори суръати нархларга оширувчи таъсирини давом эттирди. Сўнгги ойлarda мавсумий омиллар ҳамда алмашув курси барқарорлашуви ҳисобига аҳоли ва тадбиркорлар кутилмаларида



пасайиш тенденцияси кузатишган. Шундай бўлса-да, мазкур кутилмалар умумий инфляция даражасидан юқори бўлиб қолмоқда. Хусусан, август якунлари бўйича аҳоли кутилмалари 12,2 фоиз, тадбиркорлар кутилмалари 11,8 фоизни ташкил этди.

Қатъий молиявий шароитлар ва меҳнат бозорларининг мувозанатлашгани таъсирида глобал инфляция пасайиши тенденцияси 2025 йилнинг иккинчи ярмида ҳам давом этиши кутилмоқда. Қолаверса, жаҳонда озик-овқат маҳсулотлари нархи ошаётгани ҳамда савдодаги асосий ҳамкор давлатлар инфляция даражасининг тарғет кўрсаткичидан юқори шакллангани келгусида импорт инфляцияси кучайишига олиб келиши мумкин. Ушбу шароитда жорий йил якунида юртимизда инфляция даражаси 8,7 фоиз атрофида шаклланиши прогноз қилиняпти.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, жорий йил биринчи ярмида мамлакатимизда иқтисодий фаоллик юқори суръатда давом этди. Хусусан, иқтисодий ўсиш 7,2 фоизгача тезлашиб, бунга хизматлар соҳаси асосий ҳисса қўшди. Шунингдек, саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалиги тармоқларида ҳам сезиларли ўсиш қайд этилди. Асосий капиталга йўналтирилган инвестициялар қиймати эса 270 триллион сўмга етиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 5,5 фоиз ўсган. Бошқа турдаги инвестициялар ҳажмида ҳам кўрсаткич анча баланд. Бошқа томондан, ялпи талабнинг юқори даражада сақланиши шароитида энергия нархи ошишининг иккиламчи таъсири хизматлар инфляциясининг юқори шаклланишида намоён бўляпти.

Ана шу омилларни инобатга олиб, хусусан, миллий иқтисодиётдаги инфляция босимини камайтириш ва ўрта муддатли истиқболда нархлар барқарорлигини таъминлаш

Белгиланган тарғетга қачон етказилади?

Инфляция — товар ва хизматлар умумий нархининг ўсишини англатадиган термин. Кўп одамлар буни нархларнинг ошиши ва ойлик маошга мутаносиб эмаслиги сифатида тушунади. Инфляция юқори бўлиши иқтисодиётдаги пул қийматининг пасайишига олиб келади. Инфляция миллий валютанинг харид қобилиятини камайтириб, кундалик ҳаётимизга сезиларли таъсир кўрсатади.

Марказий банк маълумотларига кўра, жорий йил августда умумий инфляция июлдагига нисбатан бир оз пасайиб, йиллик ҳисобда 8,8 фоизни ташкил этди. Озик-овқат ва ноозик-овқат маҳсулотлар нархи ўсишининг секинлашиши ҳисобига базавий инфляция 7,6 фоизгача пасайган.

Аммо бу белгиланган доимий мақсад (тарғет) даражасида эмас. Яъни Президентимизнинг 2019 йилдаги тегишли фармонида юртимизда инфляция бўйича тарғет 5 фоиз бўлиши, бунга 2023 йилда эришилиши белгиланган. Бироқ айрим сабабларга кўра инфляция бўйича қўйилган тарғетга эришиш муддати бир неча маротаба кейинга сурилди.

Жумладан, 2020 йил пандемияда давлатлар томонидан киритилган турли чекловлар ва 2022 йилдаги халқаро майдонда юзга келган геосисий вазиятдан сўнг бутун дунёда инфляциянинг юқори ошиши кузатилиб, жорий ҳолатлар Ўзбекистонга ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмади ва инфляциянинг аввалги прогноз кўрсаткичларидан

юқори шаклланишига сабаб бўлди. Сўнгги прогнозларга кўра, инфляция бўйича мақсадга 2027 йилда эришиш кутилмоқда.

— Прогнозимиш ички ва ташқи омилларга асосланади. Лекин ҳаётда ушбу омиллар ўзгарса, прогноз ҳам ўзгариши табиий, — дейди Марказий банк раиси Тимур Ишметов. — Яъни мақсадимизга етишда дунёдаги геосисий вазият ҳам таъсирини ўтказмоқда. Бундай шароитда прогноз қилиш жуда қийин. Шунга қарамай, ташқи факторларга мослашиб, сисъат юритяптимиз. Турли товарлар бозорини эркинлаштириш, айрим товарлар бўйича рақобатни кучайтириш, ишлаб чиқариш ва импорт концентрациясини камайтириш бўйича муайян ишлар қилиняпти. Жорий йилда юртимизда кўп йўналиш бўйича инфляция кўрсаткичи пасая бошлади. Лекин бу ўйлаганимиздан кечроқ юз бермоқда. Яъни ижобий натижа бор, лекин етарли эмас. Тарғетга етишимиз 2027 йил охирига мўлжалланган. Шу йил охирига бориб инфляция даражаси 8,7 фоиз бўлиши кутилаётганини ҳисобга олсак, бир йилда 5 фоиз тушириш қийин масала. Ҳозирча 2027 йилни прогноз қилияптимиз.

Айни пайтда эса умумий инфляциянинг барқарор пасайиш траекториясига ўтиши вақт талаб этади. Нархларни оширувчи босим келгуси ойлardan кутилганидан кўра кучайиши бўйича эҳтимоллар ва асослар юзга келган тақдирда пул-кредит шароити қайта қўриб чиқилиши мумкин.

Валюта курси қандай шаклланади?

Бундай маълумотлар ҳақида аввал деярли хабардор бўлмасдик. Асосий ставка физици айтилса ҳам сабаб ва омиллари таҳлил қилинмасди. Кейинги тўққиз йилда барча соҳадаги очиклик сабаб банк-молия тизимидagi ўзгаришлар аҳолига муттасил етказиб борилаётгани юрдошларимизнинг бу борадаги саводхонлиги ошишига хизмат қилляпти. Ҳатто валюта алмаштиришда нафақат маҳаллий, балки жаҳондаги вазиятни ҳам прогноз қила бошладик. Гап сўнгги вақтда аҳоли орасида қизгин муҳокамаларга сабаб бўлаётган валюта алмашув курси шаклланиши ҳақида борапти.

— Марказий банк алмашув курси бўйича мақсадли кўрсаткич белгиламайди ва курс шаклланишига аралашмайди, — дейди Тимур Ишметов. — Миллий валюта курси ички валюта бозорига шу жойинг талаб ва тақлифи асосида шаклланади. Кейинги вақтларда нисбатан қўлай макроиктисодий шароитлар валюта бозоридagi ижобий тенденцияларни шакллантирмоқда. Натижада миллий валюта алмашув курси йил бошидан 3-4 фоиз атрофида мустаҳкамланди. Бунга қатор омиллар сабаб. Хусусан, жорий йилда миллий иқтисодиётда хорижий валюта тақлифи сезиларли

даражада юқори шаклланмоқда. Март-июль ойларида олтинсиз экспорт қарийб 20 фоиз ошди. Хорижий инвестиция ва халқаро инструментлар оқими ҳам сезиларли ортиши кузатилмоқда. Биргина мисол, жорий йилнинг биринчи ярмида хорижий инвестицияларни ўзлаштириш кўрсаткичи 37 фоиз ўсди. Юртимизга 12,1 миллиард долларлик пул ўтказмалари келиб тушди. Бу ўтган йилга нисбатан 23 фоиз кўп. Банклар томонидан жисмоний шахсларга сотилган валюта ҳажми сезиларли пасайиб, банкларга сотилган валюта ҳажми ошди. Бунда сотилган ва олинган валюта ҳажми ўртасидаги тафовут 5,6 миллиард долларни ташкил этди (аҳоли банкларга кўпроқ валюта сотди). Бу ўтган йилга нисбатан 40 фоиз кўп демакдир.

Яъни биз хорижий валюта курси пастламаслиги ва доимий ошиб боришига одатланиб қолганмиз. Аммо саналган қатор омиллар сабаб энди бу тенденция ўзгарди. Назаримизда валюта алмашув курсидаги тушиш ва кўтарилиш одатий ҳолга айланади. Бу ижобий ҳолат сифатида баҳоланмоқда.

Инфляцияни пасайтиришга қаратилган чора-тадбирлар жараёнида пул бозоридagi шароит нисбатан қатъий босқичда шаклланиб, аҳолининг жамғариш сифатида эътироф этилмоқда. Натижада жорий йил иккинчи чорағида пул бозори фойз ставкалари асосий ставкага яқин, инфляциядан 3-4 фоизлик ижобий тафовут билан шаклланаган.

Мазкур жиҳатнинг сақланиб қолиши ва алмашув курсининг барқарорлиги сўмда жамғариш жоизбадорлигини ошириб, аҳоли омонатларида юқори ўсиш суръатини таъминламоқда. Маълумотларга кўра, айни пайтда аҳоли омонатларини қарийб 80 фоизи сўмда шаклланган бўлиб, сўмдаги муддатли депозитларда йиллик 1,5 баробар юқори ўсиш суръати сақланиб қолмоқда.

Умуман, трансгеаравий пул ўтказмалари ҳажмининг барқарор ўсиши, иқтисодиётда кредитлаш суръати жадаллашуви, бюджет харажатлари ўсиши ҳамда инвестициявий фаоллик юқори бўлиши ялпи талабни фаол рағбатлантирувчи омиллардан экани айтилмоқда. Нисбатан қатъий пул-кредит шароити давом эттирилиши эса миллий иқтисодиётда жамғариш жоизбадорлигини сақлаб, кредитлаш суръатини мақбуллаштириш ва пул бозорига ресурслар нархини мутаносиб шакллантириш орқали ялпи талабни мувозанатлаштиришга хизмат қилади. Асосийси, инфляцияга монетар (пул-кредит сисъати) омилларнинг таъсирини камайтиради.

Ирода ТОШМАТОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Ислохотлар самараси



Элнора УММАТОВА,
Фориш тумани ҳокими ўринбосари

Фориш тумани 90 йил муқаддам ташкил топган. Худуди энг йирик туман ҳисобланганидан Фориш дастлаб Самарқанд, сўнг Сирдарё, 1974 йилдан бошлаб Жиззах вилояти таркибига кирган. Узок йиллардан буён туманга узумчилик, қорақўлчилик, йилқичилик учун мос жой деб қараб келинди.

Саноат ва ишлаб чиқариш тармоғи деярли ривожланмагани учун туман доим давлатдан дотация олган. Ўз-ўзидан аҳолининг турмуш шароити нисбатан паст, туман маркази ҳам қарийб қишлоқдан фарқи йўқ эди. 2019 йил январь ойида Президентимизнинг туманга таърифи форшишлар ҳаётида янги саҳифа очди. Уша таширфда Фориш имкониятлари бўйича энг бй туманлардан бири экани, лекин бошқа худудлардан бир оз орқда қолгани, қишлоқ хўжалиги, геология, қайта ишлаш соҳаларидаги имкониятларини тўғри ишга солиш орқали аҳоли фаровонлиги, маҳаллий бюджетни ошириш мумкинлиги айтилган эди. Шундан келиб чиқиб, мутаассадиларга мавжуд имкониятларини ишга солиш, туман марказини замонавий қиёфага келтириш, инфратузилмани яхшилаш, тадбиркорликни ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш бўйича қатъий топшириқлар берилди.

Натижада бир неча йил ичида туман маркази — Богдон шаҳарчаси янги қўриниш касб этди. У ерда кўп қаватли уйлар, савдо дўконлари, хизмат кўрсатиш объектлари қурилди. Туман маркази аҳолиси тоза ичимлик сув билан таъминланди. Дехқончилик ва богдорчилик кенг ривожланди. Мухими, Форишга саноат кириб келди. Осмонсой конидан базальт тош қазиб олиб, ундан тола тайёрлаш йўлга қўйилди. Бугун чўл бағрида пайдо бўлган шаҳарча ва йирик саноат корхоналари мўъжизанинг ўзгинаси.

Бундан миллионлаб йиллар олдин пайдо бўлган тоғлар бағрида ястаниб ётган базальт тошлар бутун улкан лойиҳага асос бўлди.

Базальт тошни фойдали қурилиш маҳсулоти қилиш гоёси туманни мамлакатимизда инновацион марказга айлантирди, десак муболаға бўлмас. “Basalt Uzbekistan” кластери, унинг тармоқлари орқали базальтдан инновацион технология асосида қурилиш саноати учун муҳим бўлган директ ровинг, фибра, арматура, композит геотўр, қувурлар, мато ва иссиқлик-изоляция плиталари каби 42 турдаги маҳсулот ишлаб чиқаришмоқда. Ушбу лойиҳа сабаб минглаб иш ўринлари яратилди. Айнан базальт тошдан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар бугун дунё



бозорида рақобатбардош маҳсулот сифатида эътироф этилмоқда. Энергитетжамкор маҳсулотлардан нафақат қурилиш, саноат, балки автомобилсозлик, кемасозлик ва авиасозликда ҳам фойдаланилмоқда. Туманда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар Ўзбек бозоридан ташқари, хорижга ҳам экспорт қилинмоқда.



Базальтнинг 90 фоизи хориж бозорига йўналтирилмоқда. Бу рақамлар келгусида янада ошади.

Жорий йилнинг олти ойи давомида туманда қиймати 9 миллиард 270 миллион сўмлик 18 та лойиҳа ишга туширилиб, юздан зиёд янги иш ўрни яратилди. 58,1 миллион долларга тенг инвестиция жалб этилди. Йил якунига қадар яна 33 лойиҳа амалга ошириш ҳисобига 590 та иш ўрни яратиш кўзда тутилган. Жумладан, йил якунига қадар хорижий инвестиция иштирокидан “Эко цемент” МЧЖнинг қиймати 120 миллион доллар бўлган цемент ишлаб чиқариш лойиҳаси ишга туширилади. Бундан ташқари, “Bazwool” МЧЖ томонидан базальтдан вата ишлаб чиқариш корхонаси фойдали бошлаб, 277 киши ишли бўлади. Шунингдек, жорий йилнинг ўтган даврида 11 миллион 538 минг доллар миқдоридида саноат ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортга амалга оширилди.

Туман номини янада танитадиган лойиҳалардан бири айни пайтда қурилиши қизгин давом этаётган қуёш фотоелектр станциясидир. “Эгизбулок” МФИ худудида, 1086 гектар майдонда қурилаётган бу объект энергетика мустақиллиги баробарида экологик ва инновацион ўзгаришлар сари муҳим қадамдир.



China State Electrical, China Electrical Equipment, CHD ва Poly Changdo компаниялари иштирокидagi қурилиш ишлари 2024 йилнинг декабри ойида бошланган бўлиб, бугун лойиҳа офиси ҳамда бир неча километрга чўзилган қуёш панеллари сабаб иш дарҳол кўзга ташланади. Бир неча ой бурун тап-тақир бўлган бу худудда иш қайнаётгани бежиз эмас. Бу ерда 500 МВт қувватли фотоелектр станцияси ва ҳаво электр узатиш тармоғи бунёд этиляпти. Бундай катта ҳажми лойиҳа вилоят учун ноёб бўлиб, худуднинг текислиги ва очиклиги, қуёшли кунлар кўплиги табиий имконият манбан ҳисобланади. Айни кунда қўшимча еттига биноиншоот қурилиши жадал давом этмоқда. Бу ерда хитойлик юздан зиёд мутахассис ишляпти. Жорий йил якунида станциянинг 200 МВт қувватли бир навбати ток ишлаб чиқаришни бошлайди.

Лойиҳанинг тўлиқ ишга тушиш муддати 2026 йилнинг март ойига мўлжалланган. Қуёш фотоелектр станциясининг ишга тушиши натижада 450 минг аҳолининг электр токига эҳтиёжи қопланади. Режага кўра, бу ерда ишлаб чиқарилган электр токи Зафаробод подстанциясига узатилади. У ердан тақсимланган нур аҳоли хонадонлари ва ташкилотларга кириб боради. Шунингдек, Жиззах шаҳрига ҳам электр токни узатиш

мақсадида 500 дона симёғоч ўрнатилади. 350 миллион доллар эвазига бунёд бўлаётган бу станция “Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва “яшил иқтисодиёт” йили”да амалга оширилган энг яхши лойиҳалардан бири бўлади. Мажмуанинг ишга тушиши нафақат энергетика барқарорлиги, атроф-муҳит тозаллигида, балки маҳаллий аҳолини иш билан таъминлашда ҳам катта аҳамиятга эга. Айни вақтда бу ерда 400 дан зиёд маҳаллий ёш иш билан банд. Лойиҳа тўлиқ ишга тушган, станцияга хизмат кўрсатувчи доимий 150 та иш ўрни яратилади.

Форишдаги яйдоқ далаларда ана шундай иншоотлар барпо бўлишини ким ҳам ўйлабди дейсиз! Булар янги Ўзбекистон иншоотлари — уларнинг шакли ҳам, мазмун-моҳири ҳам, қиладиган иш ҳам ҳар жиҳатдан чиройли, халққа фойдали ва дунё трендларига монанд.

Шу билан бирга, туман табиий гўзаллиги, қадимий қишлоқлари, нодир ҳайвонот ва наботот олами, мусавффо хавоси билан туризм соҳасида ҳам жадал ривожланмоқда. Айникса, Айдарқўл, Ухум, Порашт, Мокрум, Арсаф, Каттабодгон, Ёмчи ва бошқа тоғли масканларда экотуризмни ривожлантириш учун улкан имкониятлар мавжуд. Хар йили маҳаллий сайёҳлардан ташқари, минглаб хорижлик, асосан, Европа мамлакатларидан сайёҳлар таширф буюради.

Ухумга туризм қишлоғи мақомини бериш харакатлари бошланган. Бу эса сайёҳларни янада кўпроқ жалб қилиш ва аҳолининг турмуш фаровонлиги ошишида муҳим роль ўйнайди.

Дарҳақиқат, Фориш имкониятлари кенг туман. Ушбу имкониятлардан унумли фойдаланиб, бундан кейин ҳам бор эътиборимизни туманимизни янги Ўзбекистоннинг янада обод ва фаровон, иқтисодиёти ва ижтимоий соҳалари бундан-да барқарор ривожланаётган, туризм салохияти ошиб бораётган худудлардан бирига айлантиришга сафарбар этиамиз.



Бугун дунё спорт сахнасида Ўзбекистоннинг алоҳида мавқега эга бўлишида, шубҳасиз, боксинг бекиёс ўрни бор. Залворли зарбалару чидам ва бардош, қатъият ва сабр, енгилмас рухият ҳамда юксак ахлоқ — буларнинг барчаси ўзбек боксчиларини дунёга танитди, мухлису мутахассисларни эътибор ва эҳтиром билан қарашга, рақибларни ҳурмат ва ҳадик билан рингга қадам қўйишга мажбур этди. Ана шундай натижалар ортида мураббийлар меҳнати, давлат сиёсатининг қўлами ва энг муҳими, халқ ишончи мужассам. Бу ишонч сўнгги йиллардаги кенг қамровли ислохотлар, спорт инфратузилмасига қаратилган катта эътибор туфайли мустақкам пойдеворга эга бўлди.



РИНГДАН ЖАМИЯТГА, ЖАМИЯТДАН ЯНА РИНГГА ҚАЙТАДИГАН КУЧ ОҚИМИ

“Uzbek power” — ўзбек қудрати дея эътироф қозонган миллий бокс мактабимиз вакиллари ана шу сайй-ҳаракатларнинг ҳаётадаги амалий ифодаси сифатида мунтазам равишда жаҳон ареналарида ҳам профессионал, ҳам ҳаваскор йўналишида юқори натижаларни қайд этиб келмоқда. Жумладан, 4-14 сентябрь кунлари Буюк Британиянинг Ливерпуль шаҳри мезбонлигида катталар ўртасида жаҳон чемпионати ўтказилди. Иккита таркиб билан иштирокини бошлаган терма жамоамиз якунда 6 та олтин, 2 та кумуш ва 3 та бронза медаль билан умумжамоа ҳисобида иккинчи, эрақлар таркибида эса биринчи ўринни эгаллади. Олтин медалларни Абдумалик Халоев, Асадхўжа Мўйдинхўжаев, Фазлиддин Эркинбоев, Жаҳоҳир Умматалиев, Акмалжон Исроилов ва Тўрабек Ҳабибуллаев қўлга киритган бўлса, Навбахор Ҳамидова ва Жаҳонгир Зокиров мусобақанинг кумуш медалларига эга чиқди. Сабина Бобоқўлова, Феруза Казакова ва Азиза Зокирова эса бронза медаллар билан қийовланди.

Тан олиш керак, терма жамоамиздан бундан да кўпроги қутилган, бу сафар ҳам умумжамоа ҳисобиди биринчилиكنи эгаллашимизга ишончимиз комил эди. Бироқ қайсидир жойда омад, қай бир ўринда бир оз тажриба етишмади, яъни бу галги мусобақада жамоа янгиланган, нисбатан ёш таркиб билан қатнашганини назардан қочирмаслигимиз лозим. Юртимиз чарм қўлқоп усталари зафарли одимларига бизни шу қадар ўргатиб қўйибдики, бундан буюн биринчиликдан бошқа ҳар қандай натижани қабул қилишимиз қўйин кечадагидан бўлиб қолди. Аммо шунчаки биз зўрмиш деган эйфорияга берилиш ҳам ярамайди, буни бир вақтлар жаҳон спорт оламини зир титратган Куба боксининг бугунги аҳволи мисолида ҳам кўриш мумкин. Ривожланишдан, ҳаракат ва изланишдан бир зум ҳам тўхташга мутлақо ҳаққимиз йўқ. Зеро, бугунга келиб боксинг моҳияти халқимиз учун фақат спорт тури экани билан чекланмайди, ютуқлар келажак учун ишонч манбаига айлansa, ҳар қандай мағлубиятдан кўнглимиз хира тортади, спортчиларимиз — миллитимиз вакиллари учун қайгурамиз.

Демак, боксчиларимизнинг жаҳон ареналаридаги муваффақияти биргина медаллар шодасининг сонига салмоғи доирасида қолмайди. У жамият ҳаётига кириб боради, миллий руҳни уйғотади, натижада ёш авлод орузи мақсад сари эврила боради.

Инсон психологиясида бир жиҳат бор: ҳамиша натижаларга қараб фикр билдирилади, эътироф этилиб, мақталади, яъни кўпинча шу маррагача олиб келган йўл, сабаб ва омиллар назардан четда қолади. Биргина капалак парвози учун бутун бошли осмон керак бўлганидек, бунда муҳит, имконият ва шароит бирламчи омил саналади. Бугунги галабалар замирида ҳам худди шундай: конституциявий асос, давлат сиёсати, маҳалла ва мактаб, устоз ва ота-оналарнинг баҳамжиҳат меҳнатлари мужассам. Янги таҳрирдаги Конституцияда “жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш учун шароит яратиш”-ни давлат зиммасига юклаган норма аниқ ёзиб қўйилган — ишонч ва муваффақият қалъасининг пойдевори айни шу жойдан бошланади. Бу пойдевор устига 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси гишт қўйди: жамият ҳаётида оммавий спортнинг ҳиссасини ошириш, ёшларни соғлом турмуш тарзига жалб этиш, ҳудудларда югуриш ва велоўйлақлар, workout майдонлар барпо этиш, мунтазам шуғулланувчилар улущини 2026 йилга қадар 33 фоизга чиқариш вазифаси белгиланди.

Ташкилий тузилма ҳам қайта тикланди. 2024 йилдан Спортни ривожлантириш вазирлиги Спорт вазирлиги ўлароқ юритила бошланди. Ҳукуматнинг 2025 йил августидаги қарори эса спорт соҳасида давлат бошқарув механизмларини янгиллаб, вазифаларни қайта тақсимлади — марказдаги сиёсат билан жойлардаги ижро ўртасидаги масъулият чизиқлари аниқроқ бўлди. Шу тариқа ҳужжат тилидаги аризмасдек кўринган ўзгаришлар спорт залларида реал қоида ва жавобгарликка айланди.

Инфратузилма масаласида “спорт-таълим” боғлами алоҳида ҳалқ. Олимпия ва паралимпия турларига тайёрлов марказларини қуриш, реконструкция қилиш ҳамда комплекс таъмирлаш дастури 2022-2025 йилларга мўлжалланган “йўл харитаси”га киритилди. Шу тахлит спортчи ёш йигит-қизлар ўқишдан узимайдиган, мураббий эса илгор методикани тизимли қўллаш имконига эга бўлди. Вазирлиқнинг 2025 йилдаги буйруғи билан эса 2025-2028 йиллар кесимида спорт турлари бўйича босқичма-босқич режалаштириш тизими йўлга қўйилди. Хусусан, селекция, мусобақа, тикланиш ва психологик тайёргарлик жараёнлари бир-бирига интеграция қилинди, муайян тартибга солинди.

Мазкур дастурларда иқтидорли ёшларни жисмоний тайёргарлик синовлари орқали спорт мактабларига селекция қилиш, маҳаллий бошқармалар ва таълим муассасаларини бир циклга улаш кўзда тутилган. Бу тизим Андижон ёки Жиззахнинг ҳақда қишлоғида шуғулланаётган болакайга ҳам, Қорақалпоғистоннинг узок ўзлаида яшовчи бўлажак чемпионга ҳам бир хил сигнал беради: манзил бир, мезон аниқ, йўл эса очик.

Бокс шу занжирда синов полигони вазифасини бажармоқда. Каттиқ интизом ва назорат, жароҳат профилактикаси, оғир-енгил вазнлар бўйича тизимли

режалаштириш, мураббийлар учун малака ошириш курслари — буларнинг барчаси рингдаги натижаларда аниқ кўринади. Ислохотларнинг энг сезиларли томони ҳам шу: натижа фақат медаллар сони билан ўлчанмайди, барқарорлик, захира, моддий-техник база, одоб ва ҳалоллик мезонлари билан баҳоланади. Шунда “устоз — шогирд — маҳалла — клуб — терма жамоа” занжири узилмайди, боксчи шахардаги йирик марказдан узокда бўлса ҳам ўзи учун йўл топади. Шу барча жиҳатлар жамланиб бир муштта айланганда рингда зарба аниқ бўлади, рингдан ташқарида эса ижтимоий руҳ кўтарилadi.

Сиёсий, маданий ва руҳий қатлам инъикоси

Рингдаги жанг бир қарашда фақат икки спортчи ўртасидаги кураш бўлиб кўринади. Аслида, унда бутун бир жамиятнинг ҳаёти, руҳияти ва маданий қиёфаси мужассам бўлади. Ўзбекистон бокси шу жиҳати билан ақралиб туради. У майдондан ташқарида ҳам халқ қайфиятини кўтарди, жамиятдаги ўзгаришларга таъсир кўрсатади.

Мусобақалардан кейин бўладиган тақдирлаш маросимларида голиб спортчи шарафига унинг ватани байроғи юқори кўтарилиб, ўша юрт давлат мадҳияси янграйди. Бу бежиз эмас, ўзинга хос маъно-мазмун касб этади. Жаҳон ареналаридаги катта галабалар сиёсий нуфузни оширади, мамлакат имижини мустаҳкамлайди. Дунёнинг турли бурчақларида Ўзбекистон номини эслатиб турган



боксчилар мамлакатнинг халқро майдондаги овози бўлиб янграйди. Шу боис, ҳар бир жанг нафақат спортчилар, балки давлатнинг сиёсий қиёфаси учун ҳам катта аҳамиятга эга.

Бокс заллари эса бугунги кунда маҳаллий маданият ўчоқларига айланган. Бу ерда ёшлар зарба бериш ёки ҳимояланишни ўрганишдан ташқари тартиб-интизом ва меҳнатни қадрлашни ҳам ўзлаштиради. Мураббийларнинг ҳар бир кўрсатмаси улар онгига ҳаётин сабоқ сифатида сингади. Устозининг кўрсатмасига қулоқ солиб машқ қилган ўқувчи кейинчалик ҳаётнинг бошқа майдонларида ҳам итоат ва ҳурматни қадрайди. Шу тариқа бокс заллари ёшлар онгига мустақкам қадриятлар сингдириладиган мактаб вазифасини бажаради.

Боксинг жамият ҳаётинда энг чуқур таъсири халқ руҳиятида намоён бўлади. Галаба онлари бутун юртни бирлаштиради. Кечқурун телевизор қаршиида спортчи учун қайтурган ва қувонган халқ эртаси кучи бутунлай бошқача қайфият билан ашади. Бир спортчининг олтин медали юз минглаб одамлар ҳаётида қувонч манбаи бўлиб акс этади. Шу билан бирга, бокс ёшларни ижтимоий муҳитдаги турли зарари одатлардан асрайди. Машгулотта келган бола вақтини беҳуда ўтказмайди, кучини фойдала мақсадга сарфлайди. Рингда у нафақат рақиб билан, балки ўзининг дангасалик ва лоқайлиқ сифатлари билан курашади. Шу жиҳатдан бокс руҳий тозаланиш воситасига айланади, ёшларни соғлом ҳаётга йўналтиради. Қисқача айтганда, спорт, хусусан, бокс жамиятнинг сиёсий, маданий ва руҳий қатламларида ўзининг барқарор ўрнини эгаллаган.

Ўзбекистон бокси бугун жамият ҳаётининг ажралмас қисми бўлиб, халқни бирлаштирадиган куч сифатида кўринмоқда. Шу маънода, у оддий мусобақа кўринишидан чиқиб, халқ руҳиятини, жамиятнинг ижтимоий қиёфасини ифодаловчи ҳодисага айланди. Ҳар бир медаль халқ қайфиятига бевосита таъсир қилмоқда, ёшларни янги марралар сари ундамоқда. Айниқса, ёш авлод орасида боксга қизиқиш кучайгани, ринг ортидан ҳаётга таътиб этилаётган сабр ва матонат руҳияти ислохотларнинг самарасини янада ёрқинроқ кўрсатади.

Жаҳон тажрибасига қарасак, спорт бязан миллий қиёфани бутунлай янгиллаб юборганига гувоҳ бўламиз. Масалан, 1960-йилларда Мухаммад Али рингда қозонган галабалари билан нафақат АҚШ спортини, балки бутун афроамерикаликларнинг ҳуқуқ учун курашини рамзий равишда ифодалаган эди. Японияда эса бокс унчалик оммалашмаган бўлса-да, боксчи-

ларнинг галабаси миллилатни глобал сахнага олиб чиққан. Шундай мисоллар Ўзбек боксига ҳам уйғун келади: ҳар бир жанг, ҳар бир зарба халқ онгига мустақиллик ва эркинлик руҳини янада мустаҳкамлади.

Миллий руҳнинг кучи кўпинча оддий воқеаларда намоён бўлади. Масалан, 2023 йилда Тошкент мезбонлик қилган жаҳон чемпионатидан сўнг қўплаб қишлоқ мактабларида боксчиларга бағишланган стендлар пайдо бўлди. Ёки бўлмаса, қадимий одат бўйича катта жанглардан кейин қўплаб маҳаллаларда ўша спортчининг шарафига дастурхон ёзилганини, ҳатто яхши ният билан кишилар фарзандларига уларнинг исмини қўйиши урф тусига кирганини эслаш кифоя. Бу ҳолатни ҳеч қандай расмий таъвиқот билан алмаштириб бўлмайди, назаримда.

Яна бир қизиқ жиҳат, спорт кўпинча халқни кўрқинч ва хавотирдан халос қилувчи омил сифатида ҳам намоён бўлади. Жаҳоннинг қўплаб мамлакатларида оғир ижтимоий вазиятларда спортчилар халқни руҳий тушқунликдан олиб чиққан. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги Германияда футбол қандай роль ўйнаганини эслайлик. Бугунги Ўзбекистонда эса бокс миллилатни ягона мақсад сари бирлаштирувчи ишонч манбаига айланмоқда.

Тарих ва бугун: янги спорт мактаби

Ўзбекистон бокси бугунги чўққиларга бирданига қўтарилмади. Бу йўлнинг бошланиши ўтган асрнинг ўрталарида бориб тақалади. Илк тажрибалар Ўзбек



йигитлари учун катта синов бўлди. 1960-1970 йилларда республикада бокс бўйича илк мусобақалар ўтказилди, кичик зал ва спорт мактабларидан ёшлар таллаб олинди. Шу даврда халқнинг эътиборига тушган дастлабки чемпионлар пайдо бўлди, уларнинг меҳнату зафарлари кейинги авлод муваффақиятлари учун замин ҳозирлаганини шубҳасиз.

Ривожланишнинг кейинги босқичида, аниқроғи, мустақилликдан сўнг Ўзбек бокси ўз йўлини аниқ белгиллаб олди. 1990-йиллар ўрталаридан бошлаб халқро майдонда қатнашган боксчиларимиз дунё сахнига ўз сўзи ва овози билан кириб келди. Атиги бир неча йил ичида Осиё чемпионатлари ва Олимпиадаларда илк ёрқин натижалар қайд этилди. Мухаммадқодир Абдуллаевнинг Сидней Олимпиадасида олтин медали олиши миллий спорт тарихидаги бурилиш бўлди. Ортидан Руслан Гаҳаев, Ҳасанбой Ўлмасов, Шаҳобиддин Зоиров каби исмлар кетма-кет пайдо бўлди ва бокс халқнинг энг севимли спортларидан бирига айланди.

Бу каби ютуқлар асра-секин бевосита халқ руҳияти билан уйғунлашди. Рио Олимпиадасидаги рекорд медаллар, олдинроқ Тошкентда, шу кунларда Ливерпульда ўтказилган жаҳон чемпионатининг улкан муваффақияти, Парижда қайд этилган галабалар — буларнинг барчаси Ўзбек боксининг халқро майдондаги нуфузини мустаҳкамлади. Энди рингда ўзбек спортчиси деганда рақиб ҳам, ҳақкам ҳам, муҳлис ҳам юқори даражадаги жангга тайёр туради.

Ўзбек боксининг жаҳон ареналаридаги бу муваффақиятлари бугунги кунда ҳам давом этмоқда. Энг муҳими, ушбу галабалар энди бир шахс ёки бир жамоанинг ютуғи сифатида қабул қилинмаяпти. У бутун халқнинг гурури, миллилати бирлаштирувчи рамз сифатида қадрланмоқда.

Кичик авлод катталардан ўрнак олиши, улардан руҳланиб ҳаракат қилиши ҳақида юқорида айтиб ўтдик. Айни шу жиҳатларни инобатга олган ҳолда бевосита Президентимиз қарори асосида мамлакатимизда бокснинг янги даражага олиб чиқиш, шунингдек, иқтидорли спортчиларни профессионал боксчилар сифатида тайёрлаш, Олимпия ўйинларида голиб ва совриндор бўлган спортчиларимиз фаолиятини кенг тартиб қилиш мақсадида янги-янги спорт мажмуалари, хусусан, икки қарра Олимпия ўйинлари, икки қарра жаҳон чемпиони, уч қарра Осиё чемпиони Баҳоҳир Жалолов номиди боксга ихтисослаштирилган спорт мактаби ташкил этилди.



Биз — янги замоннинг ижодкоримиз, Пойдевор қўювчи мададкоримиз, Тинмай йўл қурамиз келажак учун, Янги Ўзбекистон бунёдкоримиз.

Шу тупрокда ўсган фақирмиз ё шох, Унинг аҳволидан бўлғаймиз огоҳ, Ҳар қарич ерига жондайин панох, Янги Ўзбекистон бунёдкоримиз.

Кўнгил ёруғланар бир йўл қурилса, Келин келар уй деб девор урилса, Фаровонмиз дуо қилиб турилса, Янги Ўзбекистон бунёдкоримиз.

Қанча чиғириқда эврилди замон, Миллатлар мустақил боғларда омон, Сарҳадини асраб тобланди ҳар жон, Янги Ўзбекистон бунёдкоримиз.

Юрт ҳуснига бокдим гул оралаб ман, Маҳдига шеър битдим гул саралаб ман, Тўрт томон чопсам-да, Ватан тарафман, Янги Ўзбекистон бунёдкоримиз.

Юртбоши меҳридан юртдош бахтиёр, Инсон қадри юксак, қонун устувор, Ўзбекистон номи мангу улўвор, Янги Ўзбекистон бунёдкоримиз.

Ўзбектош ТЎРАХОНЛИ, Ўзбекистон Ёзувлари уюшмаси аъзоси



Ўзбекистонда спорт инфратузилмаси изчил янгиланмоқда. Хусусан, замонавий тайёргарлик базалари барпо этилди. Илмий-таҳлил хизматлари ҳамда тиббий-реабилитация тизими кучайтирилди. Болалар ва ўсмирлар спорт мактабларидан терма жамоаларга олиб чиқилиш бўйича узлуксиз селекция занжири йўлга қўйилди. Бу ислохотлар маҳаллий мутахассислар салоҳиятини ошириш ҳамда халқро мусобақалардаги катта натижалар учун пойдевор бўлиб хизмат қияпти.



Шу мантиқий силсилада жаҳон чемпионатларида қўлга киритилган совринлар учун давлат даражасидаги рағбатлантириш ҳам тизимли тус олди. Жумладан, 18 сентябрь кунин Миллий Олимпия қўмитасида бокс, оғир атлетика ҳамда байдарка ва каноэда эшак эшиш бўйича жаҳон чемпионатларида муносиб иштирок этган спортчи ва мураббийларни тақдирлаш маросими ўтказилди. Тадбирда Президент совғаси сифатида BYD автомобиллари ҳамда бир марталик пул мукофотлари топширилди.

Маросимда спортчи ва мураббийлар номидан сўзлаган Руслан Нурудин, Абдумалик Халоев, Тўлқин Қиличев ҳамда Жаҳоҳир Умматалиевнинг отаси Тўробжон Умматалиев давлатимизга ва спорт жамоатчилигига миннатдорлик билдириб, натижалар ва келтуси мақсад-режалар хусусида фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашди.

Аслиддин АБДУРАЗЗОҚОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири

А.КАРИМҚУЛОВ, журналист



Унсон ва саломатлик, парҳез ва тўғри овқатланиш барча замонларда долзарб масала бўлган. Одамнинг ҳаёт тарзи, саломатлиги, фаолияти, узоқ умр кўриши, аввало, тўғри овқатланиш ва меъёрга жиддий амал қилишга боғлиқ. Масалан, зиёфатлар, тўй-маъракаларда нафс жиловини эркин қўйиб юбориш ошқозонни абгор қилади. Одам организмда янги-янги касалликларнинг пайдо бўлишига олиб келади.



Ашурали ЖҶРАЕВ,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган журналист

“Ўзбекистон” НМИУда ишлаб юрган кезларимда, яъни 2015 йилда “Соғлом овқатланиш — саломатлик мезони” номли салмоқли китобни чоп этганмиз. Соғлом кишилар ва аҳоли ўртасида кенг тарқалган кўпплаб касалликларда парҳез овқатланишнинг ижобий ва самарали усулларидан кенгроқ фойдаланиш ҳамда тарғиб қилиш акс эттирилган бу китобнинг асосий ташаббускори ва ғоя муаллифи ўша пайтдаги Ўзбекистон Республикаси Бош вазирни Шавкат Мирзиёев бўлган ва беовсити у киши раҳбарлигида чоп этилган. Китоб 10 бобдан иборат бўлиб, “Ўзбекистонда етиштириладиган ҳамда истеъмол қилинадиган ва таомлар тайёрлашда фойдаланиладиган маҳсулотларнинг таркибий қисмлари”, “Озиқ-овқат маҳсулотлари таркибий қисмларининг биологик аҳамияти”, “Турли аҳоли гуруҳларининг соғлом овқатланиш таъминлаш” ва “Парҳез таомларни тайёрлаш намуналари” деб номланган бобларда тўғри овқатланиш ҳақида жуда муҳим ва ҳаётий тиббий кўрсатмалар ҳамда сабоқлар илмий жиҳатдан кенг қамраб олинган. Академик Шавкат Каримовнинг умумий тахрири остида нашр этилган ушбу китоб ҳукумат раҳбарининг кўрсатмаси билан республиканинг барча шаҳар ва туманларига етказиб берилди. Энг муҳими, бир неча бор қайта-қайта чоп этилди ва жуда катта ижобий натижа берди.

Кейин бу долзарб мавзу давом этди. Мазкур китобнинг давомий сифатида Тошкент давлат тиббиёт университети профессори, машҳур парҳезшунос олима Гули Шайхованинг “Овқатланиш сабоқлари”

номли китоби чоп этилди. Бу китобдан ҳам инсон организмнинг ўсиши, ривожланиши, ҳаёт кечириш ва касалликларга қарши курашиш қobiliятини оширувчи, соғлом турмуш тарзининг энг асосий омилларидан бири — соғлом ва тўғри овқатланиш ҳамда унга бўлган гигиеник талаблар, мутахассиснинг илмий асосланган кўрсатмалари ўрин олган.

Муаллиф соҳасининг йирик ва билимдон олими сифатида ибратли ва ҳаётий мисоллар орқали ўқувчига бебаҳо тавсия ва сабоқлар берган. У бундай ёзади: “...Ибн Сино бир қатор ички касалликлар, юрак-қон томир, жигар, буйрак ва тери касалликларидан халос бўлишда, биринчи ўринда, парҳезга алоҳида эътибор бериш кераклигини уқтиради. Тухум оқини сут билан бирга, балиқни сут ё тухум билан истеъмол қилмаслик ҳақида огоҳлантирган. Шунингдек, у тери касалликлари ва зикқинафасни даволашда ёғли гўшт ҳамда сабзавотларни бир-бири билан аралаштирмай ейишни, таомномада дуккакилар ва ёнғоқни камайтиришни буюрган”.

Биз нонни кўп истеъмол қиламиз. Деярли ҳамма овқатни нон билан ейишга одатланганмиз. Лекин мазкур китобда нонни қайси таомлар билан қанча миқдорда ейиш кераклиги илмий мисоллар орқали кўрсатилган: “Гўшти, қуюқ таом нон билан ейилмайди... Нонни нонушта ва тушлик пайтида суяқ таомлар билан бирга бемалол истеъмол қилинг. Айниқса, қора ундан ёпилган нон организм учун жуда катта фойда беради”. Шунингдек, муаллиф ёзади: “Ахир таомлар аралашиб кетса, бундан организм ҳеч қачон фойда кўрмайди, фақат ошқозоннинг зўриққани қолади... Овқатни ширин чой билан еб бўлмайди, овқат ортидан ширинликлар ейиш ҳам худди шундай натижа беради. Еган лўқмангиз ҳазм бўлмайди. Оқсилга бой гўшти таомлар фақат сабзавотли, кўклатли овқатларга мос келади...”.

Китобда биз истеъмол қиладиган барча маҳсулот ҳақида аниқ маълумотлар берилган ва улар илмий асосланган жадвалларда кўрсатилган. Ҳар икки китоб ҳам тўғри ва соғлом овқатланиш учун ибратли мисоллар ва зарур ҳаётий фикр-мулоҳазаларга жуда бой. Гиппократ айтганидек: “Истеъмол қиладиган таомингиз дори воситалари вазифини ўтасин, дори воситалари эса, озиқ-овқат маҳсулотларидан бўлсин”.

Шу ўринда жиддий бир савол туғилади: биз мутахассисларнинг бундай аниқ ва тўғри кўрсатмаларига қанчалар амал қилармиз? Албатта, амал қилаётганлар бор. Лекин уларни кўп деб айтолмаймиз. Кўпчилик “Кўрдингми ош — кўтарма бош” деган мақолга ҳамон тўла-тўқис амал қилади. Гарчи мақол эски бўлса-да, ҳар бир замонда янграйверади, иштаҳага туртки бераверади. Иштаҳа эса нафснинг лаган-бардори.

Паловни яхши кўриш, иштаҳа билан ейиш одати кўпроқ ўзбекларга хос. Фақат ош учун махсус ресторанлар, кафедалар, чойхоналар бунёд этилган. Бирор-бир маҳалла йўқки, чойхонаси бўлмаса. Шуларга таяниб айтиш мумкинки, ўзбекларнинг севган таоми, шубҳасиз, ош! Масалан, эрталаб ошга борилади. Тушликда ҳам бир таниш ошга таклиф қилган. Кечқурун уйга келсангиз, ош дамланган.



Шу ўринда яна бир халқ мақоли ёрдамга келиб, иштаҳани очади: “Ўлдирса ҳам ош ўлдирсин!”. Албатта, ҳали ошдан бўкиб ҳаётдан кўз юмган бирор кимса ҳақида эшитмаганмиз. Аксинча, маза қилиб ош еганимизни мактабни юрамиз.

Бир сафар шифохонада Ўзбекистон халқ ёзувчиси Худойберди Тўхтабоев билан бир пайтда даволандик. Суҳбатларимиздан бирида у афсусланиб бундай деган эди: “Фарғонадан Тошкентга келганимга салкам қирқ йил бўляпти. Шу даврда элга ўн олти марта ош берибман. Шундан кўра ярмига ош бериб, тежаган маблағимга дунёни айлансам бўлар экан”. Устоз бир оз жим қолиб, яна мавзунини давом эттирди: “Ҳозир ҳам учта даврда “гап” ейман. Албатта, асосан ош бўлади. Кундалик ошларга ҳам бориб тураман. Шифохонада докторлар парҳез қилинг, дейди. Парҳез қилган одам ўзбекчиликдан чиқиб қолади-ку”.

Халқимиз жуда-жуда севиб, маза қилиб ейдиган овқатлар сирасига хамирли таомлар ҳам киради. Хўрандалар меҳрини қозонишда хамирли овқатлар ҳам ошдан қолишмайди. Нориндан тортиб, шилпилдоққача, мантидан тортиб, сомсагача иштаҳа билан истеъмол қилинади. Бир норинхўрликлар, шилпилдоқхўрликлар бўладикки, одамлар бундай давраларни гўё зўр китоб ўқигандай, кино ё спектакль кўргандай узоқ вақт эслаб, бир-бирига мактабни, сўзлаб юради. Масалан, “Шилпилдоқнинг қазиси тойининг

Биз нонни кўп истеъмол қиламиз. Деярли ҳамма овқатни нон билан ейишга одатланганмиз. Лекин мазкур китобда нонни қайси таомлар билан қанча миқдорда ейиш кераклиги илмий мисоллар орқали кўрсатилган: “Гўшти, қуюқ таом нон билан ейилмайди... Нонни нонушта ва тушлик пайтида суяқ таомлар билан бирга бемалол истеъмол қилинг. Айниқса, қора ундан ёпилган нон организм учун жуда катта фойда беради”.

гўшtidан бўлган экан” ёки “Нориннинг гўшти мазали от гўшtidан экан, шўрвасига гап йўқ”...

Хамирли овқатларни шунчалар яхши кўрамизки, баъзан уларга меҳримиз жўшиб иштаҳа очилиб қолса, тунда ётишдан олдин тўйиб ёб, кейин ухлаймиз. Бундай пайтда ошқозон шўрлик эгса тушмайди. Жигар, буйрак каби аъзоларимизнинг озорини эшитмаймиз...

Қишнинг сўнгги кунлари Қйрай тумани Маданият қишлоғи ҳудудида жойлашган ва пештоқиға ўқловдай харфлар билан: “Бешбармоқ №1” деб ёзилган, кўринишидан гўё ишлаб чиқариш корхонасини эслатувчи ошхонаға бордик. Емакхона хўрандалар билан тирбанд. Ишлар конвейер усулида ташкил қилинган. Хонаға кириб ўтиришингиз билан официант дарҳол буюртма олади. Кўп ўтмай, кемани эслатувчи ёғоч лаганда қазии-қартаси билан шилпилдоқ олиб

келинади. Шилпилдоқдан сўнг бирпасда “Эт — этга, шўрва — бетга”, деб шилпилдоқнинг шўрваси келтирилади.

Икки киши кўтариб келадиган ёғоч лагандаги шилпилдоқ қисқа вақтда қўлмақ бўлиб кетади. Ташқарида — кириш эшиғи олдида туриб хўрандаларни кузата бошладим: аксарияти семиз, қорин қўйган, келбати полвоиларни эслатади. Аёлларнинг ҳам қомати қопдайгина “нозик”. Назаримда, семизликка мойил инсонлар хамирли таомларни хуш кўради, шекилли.

Шу ўринда ҳаммага яхши иштаҳалар тилаб, яна бир жиддий ва ўта муҳим фикрни айтишни лозим топдик.



касаликларининг сабаблари нотўғри овқатланиш туфайли содир бўладиган оғир дардлар. Нафс — одоб, хулқ-атвор илмида ҳам муҳим ўрин тутади... Овқат иссиқ эмас, илиқ ҳолда бўлсин, шунингдек, чойни ҳам илиқ ҳолда ичиш лозим. Қайноқ ҳолда истеъмол қилинган овқат ошқозонга жиддий зарар...”.

Гапнинг лўндасини айтсак: овқатланиш маданиятимиз анча сустлашиб кетган. Тўғрирогии, уни йўқотиб қўйганмиз. Билсак ҳам амал қилмаймиз.

Уйда овқат, кўчаға сайр қилишға чиқамиз, мақсад овқат ейиш бўлади, гап-гаштаклардаги овқатларни айтиш ҳам шарт эмас. Баъзан телеграмдаги гуруҳларда собиқ синфдошлар, дўстлар бир-бирига турли овқатларни реклама қилиб, учрашувларга таклиф қилади. Няяти — овқат ейиш. Телеграмдаги бирор гуруҳда синфдошнинг ўз синфдошларини, дўстларини янги кино ё спектаклга таклиф қилганини кўрмадим. Энди китоб ўқий, кутубхонаға боришға таклиф ҳақида гапирмаса ҳам бўлади.

Ушбу мулоҳазалар билан овқат ейишға мутлақо қарши эмасмиз. Няятимиз — меъёрни билайлик. Биз учун олтиндан ҳам қиммат бўлган соғлиғимизни асрайлик. Соғлиқ эса нафсини тийишдан, ошқозонни асрашдан бошланади. Мутафаккир Алишер Навоий бобомиз топиб айтганларидек:

“Эт — этга, шўрва — бетга”, деб шилпилдоқнинг шўрваси келтирилади.

Нафс комиға изтироб этма,
Ўзгно мулкни хароб этма.

Яъни нафс хоҳишини деб қайғу чекиб, ўзингни ҳам, мулкнигни ҳам хароб этма... Кўп ёзилаётгани ва кўп айтилаётгани боис, тўйларимиздаги ўта исрофгарчиликлар, ҳаддан зиёд овқатхўрликлар ҳақида батафсил тўхталмадик. Бунинг ўзи катта ва долзарб мавзу. Ҳали унга ҳам қайтармиз...

Яна бир ўта жиддий муаммо бор! Нафс оқибатида ошқозонни қийнаб, танамиздаги турли аъзоларни касал қилиб, оқибатда фақат пойтахтда эмас, республикамизнинг барча ҳудудида дорихоналар ҳаддан зиёд кўпайиб кетишига муносиб ҳисса қўшаётормиз. Соғлом турмуш тарзига, овқатланиш маданиятига жиддий эътибор берсак,



дорихоналар ва шифохоналар сони кескин камаяди. Нафсини жиловлай олмаган ва ошқозонни аёвсиз тўлдираётган кимсалар, билиб қўйинг, сиз дорихона ва шифохона хизматчиларини бениҳоя хурсанд қияласиз.

Энг муҳими, аввало, нафсининг нафсига қулф уришдир. Жалолиддин Румий ҳазратлари ёзганидек:

Кимки ўз нафсини ўлдириши тугал,
Унга офтобу булут ҳам бош эзар...

Нафсимиз, айниқса, гўштни, гўштли таомларни кўрганда ҳаддан ошиб кетади. Биз иштаҳа билан гўшт еймиз. Гўшт аста-секин бизни ейди...

Оллоҳға шукр, мамлакатимиз тинч-осойишта, озиқ-овқат тақчилиги йўқ. Бозорлар, супермаркетлар ва барча турлардаги дўконларда тўкин-сочинлик.

Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақилигининг ўттиз тўрт йиллиғига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида мазмундор бундай сўзлар бор:

“Касаликларни профилактика қилиш, аҳоли ўртасида соғлом ҳаёт тарзини қарор топтиришға катта аҳамият қаратилмади. Аҳолининг турмуш шароитлари яхшиланиб бораётгани натижасида ўртача умр кўриш даражаси 73,8 ёшдан 75,1 ёшға узайди.

Биз таълим-тарбия учун, аҳоли саломатлиги учун, муаллим ва шифокорларни кўллаб-қувватлаш учун қанча куч ва қанча маблағ керак бўлса, барчасини сафарбар этамиз!”.

Бу сўзлар замирида халқимиз саломатлиги йўлидаги ислохотлар самараси ёрқин намоён бўлиб турибди. Давлатимиз кўллаб-қувватлаб, ғамхўрлик қилиб турганда соғлиғимизга, аввало, ўзимиз масъулмиз.

Келинг, соғлом турмуш тарзимизни янада юксалтириб, соғлом овқатланиш йўл-йўриқлари ва қоидаларига жиддий амал қилайлик. Келажакда ўрта ёшни 80 ва ундан юқориларға узайтирайлик.

Тўкин-сочин, турфа ноз-неъматларға тўла дастурхон атрофида ўтирган бўлсангиз, қўлингизға қошиқни олишдан олдин ўзингизни бундай савол бериб кўринг: “Керагидан ошиқча овқат ейиш фойдалими ёки зиён?”.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока”
газетлари тахририяти ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРК” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbотот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2025 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма Г-946.
34830 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қўғоз бичими А2.
Баҳоиси келишилган нархда.

“ШАРК” нашириёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Баҳор Хидирова
Мусахҳис: Шерзод Маҳмудов
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шарҳисабз кўчаси, 85-уй